

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.I.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАТЧАНОВА ФЕРУЗА АБАДОВНА

**АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА
САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ БОЗОР УСУЛЛАРИ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии по экономическим наукам (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on economics sciences**

Матчанова Феруза Абадовна

Ахборот коммуникация технологиялари асосида саноат
корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишнинг бозор усуллари... 3

Матчанова Феруза Абадовна

Рыночные методы повышения конкурентоспособности промышленных
предприятий на основе информационно - коммуникационных
технологий..... 29

Matchanova Feruza Abadovna

Market methods of increasing the competitiveness of industrial enterprises
based on information and communication technologies 55

Эълон килинган ишлар руйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 60

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.I.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАТЧАНОВА ФЕРУЗА АБАДОВНА

**АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА
САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ БОЗОР УСУЛЛАРИ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/1184 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (info@ifmr.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Юсупходжаева Гулчехра Баҳадирходжаевна**
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Расмий оппонентлар: **Икрамов Мурат Акрамович**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Юлдашев Самад Нормўминович
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.1.03.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ куни соат __:___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Университет кўчаси 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00, факс: (99871) 227-101-32, e-mail: tstu_info@tstu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Университет кўчаси 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00, факс: (99871) 227-101-32, e-mail: tstu_info@tstu.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.М.Махмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.С.Сайткамолов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.ф.д. PhD

М.А.Тилляходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в.б., и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув ва рақамлаштириш жараёнларининг жадал суръатларда ривожланиши саноат корхоналарида инновацион маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш, уларнинг рақобатбардошлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жаҳон банкининг тадқиқотларига кўра «2020 йилда иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда ахборот-коммуникация технологияларини саноат корхоналарига жорий қилиниши ва Интернет фойдаланувчилар сонининг кўпайиши ҳисобига 2017 йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми 15%га, ЯИМнинг ўртача ўсиши 3-3,9%га, аҳоли жон бошига даромадлар эса 7,2% га ошган»¹. Бугунги кунда саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий бозор усулларида бири сифатида соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш долзарб муаммо сифатида қаралмоқда.

Жаҳонда саноат ишлаб чиқаришини самарали ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларини ҳар бир ишлаб чиқариш бўғинига жорий этган ҳолда тезкор маълумотларни қайта ишлаш, унумдорликни таъминловчи жараён ва омилларга оид маълумотларни автоматик умумлаштириш ва суъний интеллект ҳисобига оптимал хулосалар қабул қилиш, қарорлар самарадорлигини ошириш борасидаги тадқиқотлар муҳим йўналиш сифатида қаралмоқда. Бу борада инновацияларни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш бўғинларида рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш даражасини ошириш, корхоналар рақобатбардошлигини баҳолашда ишлаб чиқариш ва минтақавий устунлик, интеграл баҳолаш кабилар асосида такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар устувор даражада бажарилмоқда.

Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида саноат ишлаб чиқариш соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, корхоналар рақобатбардошлигини ошириш омиллари таркибида рақамлаштиришга устувор даражада ёндашиш, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Ўзбекистон Республикасининг жадал ривожланишининг муҳим шarti илм-фан ва техника имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда иқтисодиёт, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни жадал татбиқ этишдан иборат»². Бу борада саноат ишлаб чиқаришини самарали ривожлантириш юзасидан рақамли ва илғор технологияларни жорий қилишда услубий ва ишлаб чиқариш-ташкилий шарт-шароитларнинг илмий асосларини такомиллаштириш, активлар даромадлигига кўра корхоналар рақобатбардошлигини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш ҳамда рентабеллик, ишлаб чиқариш активлари, экспорт,

¹ Minges M. Exploring the relationship between broadband and economic growth. WDR. 2020.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони.

инвестициялар даражасига ахборот-коммуникация технологияларининг таъсирини баҳолаш юзасидан тадқиқотлар кўламини кенгайтириш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони ва 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва ошириш муаммоларини кўплаб хорижий олимлар, жумладан, Ж.М.Кларк, А.Смит, Д.Риккардо, Р.Кейвис, Ф.Хайек, И.А.Маршалл, М.Портер, Ж.Шумпетер, Ж.Робинсон, Э.Чемберлин, Ж.Кейнс, А.Курно, Ф.Эджуорт, И.Кирцнер, Ф.Найт ва бошқалар³ томонидан ўрганилган.

МДХ давлатларининг рақобатбардош ривожланиши масалалари И. Ершова, Е.Андреева, С.Авдашева, Г.Азоев, И.Спиридонов, Р. Фатхутдинов, Л.Щербакова, В.Тугушева, А. Юданов, Ю.Рубин⁴ ва бошқа олимларнинг ишларида кўриб чиқилди.

³ Clark J. M. Towards a Concept of Workable Competition // American. Economic Review, 1940. Vol. 30 (2). P. 241-256., Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Петрозаводск: «Петроком», 1993.319 с., Риккардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Петрозаводск: Петроком,1993.159 с. Caves R. E. Trade and economic Structure. L.: Models and Methods,1956. 115 p., Хайек Ф. А. Дорога к рабству. М.: Экономика, 1992. 175 с., Маршалл А. Принципы экономической науки / пер. с англ. М.: Изд.группа «Прогресс», 1993. 310 с., Porter M. E. On Competition. Boston: Harvard Business School, 1998.485 p., Шумпетер Й. Теория экономического развития 1911-1936 гг.М.: Директмедиа Паблишинг, 2008. 401 с., Робинсон Дж. Экономическая теория несовершенной конкуренции /пер. с англ. М.: Прогресс, 1986. 471 с., Чемберлин Э. Теория монополистической конкуренции: реориентация теории стоимости / пер. с англ. Э. Г. Лейкина, Л. Я. Розовского. М.: Экономика, 1996. 351 с., Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. М.: Прогресс, 1978. 494 с., Cournot A. Recherches sur les principes mathematiques de la theorie des richesses. Paris, 1838., Edgeworth F. Y. Mathematical Physics: An essay on application of mathematics to the moral sciences. 1881., Кирцнер И. Конкуренция и предпринимательство. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. 239 с. Найт Ф. Риск, неопределенность и прибыль. М.: Дело, 2003. 360 с.

⁴ Ершова И.В. Конкурентные стратегии технологически ориентированных предприятий. Екатеринбург: УГТУ-УПИ, 1999. 151 с., Андреева Е.Л. Организационные предпосылки конкурентоспособности предприятия // Проблемы прогнозирования. 2003. № 4. С. 123-130., Авдашева С.Б. Конкуренция и развитие структуры российских рынков: 1992–2005 // Экономика региона. 2005. № 3. С. 112–127., Азоев Г.Л. Конкуренция: анализ, стратегия и практика. М.: Центрэкономики и маркетинга, 1996. 420 с., Спиридонов И.А. Международная конкуренция и пути повышения конкурентоспособности экономики России. М.: ИНФРА-М, 1997, 170 с., Фатхутдинов Р.А. Проблемы оценки и повышения конкурентоспособности России // Стандарты и качество. 2000. № 7. С. 3-9., Щербакова Л. В., Тугушева В. Р.

Ўзбек олимлари: С.С.Ғуломов, Н.М.Махмудов, М.А.Икрамов, М.А.Махкамова, А.М.Қодиров, Ғ.А.Саматов, А.У.Бурхонов, Т.К.Иминов, А.А.Зокиров, Д.С.Қосимова, Г.Ж.Аллаева, Г.Б.Юсупходжаева, Б.Ж.Баймирзаев, С.А.Набиева⁵ ва бошқалар республика иқтисодиётининг турли тармоқ ва секторларида рақобатбардошликни оширишнинг ташкилий, услубий, иқтисодий механизмларини ўрганиш устида ишламоқда.

Шу билан бирга, илмий адабиётларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишнинг бозор усуллари, шунингдек, ўзига хос ихтисослаштирилган фаолият субъектлари ва инфратузилма воситаларини ўз ичига олган ҳолда мамлакат тўқимачилик саноатининг инновацион салоҳиятини изчил ривожлантириш етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур йўналишда тадқиқотлар ўтказиш зарурати ушбу диссертациянинг мақсад ва вазибаларини танлашни олдиндан белгилаб берди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасига мувофиқ Ф.1.100 «Инвестиция салоҳияти назариясини ва уни шакллантириш механизмларининг илмий асосларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида амалга оширилди.

Современные подходы к оценке конкурентоспособности предприятия // Известия ПГПУ им. В. Г. Белинского. 2012. № 28. С. 628-633., Юданов А. Ю. Конкуренция: теория и практика: учеб. пособие. М.: Гном-Пресс, 2001. 304 с., Рубин Ю. Б. Конкуренция: упорядоченное взаимодействие в профессиональном бизнесе. М.: Маркет ДС, 2008. 464 с.

⁵ Гулямов С.С. Экономика, основанная на знаниях. Народное слово, 16.06.2008.; Махмудов Н.М., Ахмедов Д.К. Организация научной деятельности ТГЭУ. Рынок, деньги и кредит. -Ташкент: 2001; Икрамов, М.А. Стимулирование роста конечных результатов деятельности промышленных предприятий в условиях рыночных отношений: диссертация ... доктора экономических наук: 08.00.05 / Санкт-Петербург. инж-экон. ин-т. - Санкт-Петербург, 1992; Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан. Дисс.док. экон. наук. - Т.: 2004, - 291 с.; Кадыров А.М. «Инновационный потенциал развития промышленных предприятий республики в условиях рынка». Научно-практическая конференция «Новое качество экономического роста: инновации, конкурентоспособность, инвестиции». -Т., 23 апреля 2008 г.; Саматов Г.А. Повышение эффективности функционирования регионального пассажирского автотранспортного комплекса: Автор. дисс. док. экон. наук, -М.: МАДИ, 1990. -39 с.; Бурханов А.У. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари: и.ф.д. дисс. - Т.: 2011 - 296 б.; Иминов Т.К. Выбор инновационной стратегии развития предприятий в условиях внедрения ИКТ. Иқтисод ва молия / экономика и финансы № 1, 2012; Закиров А.А. Методика оценки интенсивности развития нефтегазодобывающего производства. - Ташкент: НТС ПО «Узбекнефть», 1992.- 20 с.; Касымова Д.С. Нефть-газ тармоғини ривожлантиришда инвестиция стратегиясини баҳолаш мезонлари. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 1, сентябрь, 2011 йил; Аллаева Г.Ж. Проблемы формирования и развития инновационной энергетики в Республике Узбекистан. Проблемы современной экономики. Евразийский международный научно-аналитический журнал. № 3, 2016 г. Санкт-Петербург, Россия; Г.Б. Юсупходжаева. JSC «GLONASS» innovative navigation and information technologies in Uzbekistan. Energy Systems Research 2021 E3S Web of Conferences 289, 07031 (2021); Баймирзаев Б.Ж. «Ўзбекқўмир» акционерлик жамиятини инновацион фаолият асосида самарали ривожлантириш». Автореферат диссертации доктора философии по экономическим наукам (PhD). ТГТУ, Ташкент 2020; Набиева С.А. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш (Муборак нефть ва газ казиб чиқариш бошқармаси корхоналари мисолида). Автореферат диссертации доктора философии по экономическим наукам (PhD). ТГТУ, Ташкент 2021.

Тадқиқотнинг мақсади саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллий иқтисодиётнинг саноат секторида рақобатбардошликни таъминлашнинг назарий ва услубий жиҳатларини ўрганиш;

рақамли иқтисодиёт шароитида саноат корхоналарида рақобатбардошликни ошириш жараёнларининг ҳозирги тенденцияларини ўрганиш;

миллий иқтисодиётнинг рақамли ўзгариши моҳияти ва унинг саноат корхоналарининг рақобатбардошлигига таъсирини ўрганиш;

саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

саноат корхоналарида рақобатбардошликни баҳолаш усулларининг хусусиятларини ўрганиш;

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омиллари ва уларнинг АКТ билан ўзаро алоқасини аниқлаш;

рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида саноат корхонасининг рақобатбардошлигини баҳолашнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш;

тўқимачилик компанияларининг рақобатбардошлигига таъсир этувчи омилларни баҳолаш моделини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати корхоналари, хусусан, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналарининг хўжалик фаолияти.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати корхоналарининг ташкилий-иқтисодий фаолияти, шунингдек, тўқимачилик маҳсулотлари бозоридаги иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда эвристик ва эксперт баҳолаш, статистик гуруҳлаш, корреляция, иқтисодий ва статистик, график таҳлил, регрессия таҳлили ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги куйидагилардан иборат:

саноат корхоналари рақобатбардошлигини таъминлашда корхона ресурсларини режалаштириш (ERP) жараёнида ишлаб чиқариш бўлинмалари фаолиятининг самарали интеграциясини харажатларни «инқирозли» (0–0,34), «рухсат этилган» (0,35–0,80) ва «юқори» (0,81–1) даражаларда баҳолаш ёндашуви негизида баҳолаш асосланган;

тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини баҳолашга услубий ёндашув активлар даромадлилик даражасини (ROA) ишлаб чиқаришда рақамли лойиҳалаш технологияларини қўллаш ва кастомизациялаш орқали ошириш негизида такомиллаштирилган;

тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлик даражасига активлар рентабеллиги, ишлаб чиқариш активлари, ликвидлик, инвестициялар,

экспорт даражаси, ахборот-коммуникация технологиялар фойдаланиш кабиларнинг таъсири даражасига кўра кўп факторли эконометрик модел такомиллаштирилган;

саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини баҳолашнинг итератив механизми ҳар бир муайян сектор бўйича эксперт хулосаси, эмпирик маълумотларни куйидан юқорига йиғиб бориш – таҳлилга кўра такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

рақамли лойиҳалаш технологияларини жорий этиш ва ишлаб чиқаришни кастомизациялаш ҳисобига активларнинг даромадлилик даражасини (ROA) белгиловчи кўрсаткичлар таклиф қилинган;

тўқимачилик саноати корхоналари учун корхона ресурсларини режалаштириш (ERP) асосида саноат бўлинмалари ўртасида рақобатбардошликни ошириш ва ҳамкорликни яхшилаш юзасидан интеграцион таъминлаш учун такомиллаштирилган тизим ишлаб чиқилган;

иктисодий самарадорликни максимал даражага кўтаришга кўра корхоналар рақобатбардошлигини оширишга имкон берадиган регрессия таҳлили асосида саноат корхонасининг рақобатбардошлигини баҳолашнинг такомиллаштирилган итератив механизми таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ишда келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги, муайян илмий натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги тадқиқот натижаларининг ишончилигини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий ва амалий таклифлар тўқимачилик саноати корхоналарида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва инновацион фаолиятни устувор ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни янада ошириш учун назарий-услубий ва услубий аппаратни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тўқимачилик саноати корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича асосланган хулосалар ва тавсиялар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси, хусусан, «AMUDARYOTEX» МЧЖ ва «ZARAFSHON TEKSTIL» МЧЖ томонидан фойдаланиш ҳамда олий таълим ташкилотлари томонидан ўқув курслари, ўқув-услубий мажмуалар, маъруза матнлари, амалий машғулотлар, ўқув қўлланмалари ва дарсликларни такомиллаштиришда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. АКТ асосида саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш асосида:

саноат корхоналари рақобатбардошлигини таъминлашда корхона ресурсларини режалаштириш (ERP) жараёнида ишлаб чиқариш бўлинмалари фаолияти самарали интеграциясини харажатларни «инкирозли», «рухсат этилган» ва «юқори» даражаларда таъминлаш ёндашуви негизида таъминлаш бўйича ёндашув «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналари, хусусан «AMUDARYOTEX» МЧЖ ва «ZARAFSHON TEKSTIL» МЧЖ фаолиятига жорий қилинган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2022 йил 23 февралдаги 03/12-0393-сонли, «AMUDARYOTEX» МЧЖнинг 2021 йил 2 ноябрдаги 372-сонли ва «ZARAFSHON TEKSTIL» МЧЖнинг 2021 йил 12 ноябрдаги 541-сонли маълумотномалари). Ушбу ёндашувнинг жорий этилиши маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва «AMUDARYOTEX» МЧЖ бўлинмалари ўртасидаги ҳамкорликнинг оптималлигига кўра 2020 йилда 115 000 000 сўм тежашга эришилишига хизмат қилган;

тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини баҳолашга услубий ёндашув активлар даромадлилик даражасини (ROA) ишлаб чиқаришда рақамли лойиҳалаш технологияларини қўллаш ва кастомизациялаш орқали такомиллаштириш бўйича таклифлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналари, хусусан «AMUDARYOTEX» МЧЖ ва «ZARAFSHON TEKSTIL» МЧЖ фаолиятига жорий қилинган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2022 йил 23 февралдаги 03/12-0393-сонли, «AMUDARYOTEX» МЧЖнинг 2021 йил 2 ноябрдаги 372-сонли ва «ZARAFSHON TEKSTIL» МЧЖнинг 2021 йил 12 ноябрдаги 541-сонли маълумотномалари). Таклифни «AMUDARYOTEX» МЧЖ ва «ZARAFSHON TEKSTIL» МЧЖда жорий этиш мазкур корхоналарда АКТдан фойдаланиш даражасини 15 фоизга ошириш имконини берди;

активлар рентабеллиги, ишлаб чиқариш активлари, инвестициялар, ликвидлик, экспорт даражаси, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кабиларнинг рақобатбардошлик даражасига таъсирини аниқлаштирувчи кўп факторли эконометрик модел «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналари, хусусан «AMUDARYOTEX» МЧЖ ва «ZARAFSHON TEKSTIL» МЧЖ фаолиятида қўлланилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2022 йил 23 февралдаги 03/12-0393-сон, «AMUDARYOTEX» МЧЖнинг 2021 йил 2 ноябрдаги 372-сон ва «ZARAFSHON TEKSTIL» МЧЖнинг 2021 йил 12 ноябрдаги 541-сонли маълумотномалари). Ушбу таклифни амалга ошириш «AMUDARYOTEX» МЧЖга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш 2020 йилда 2,53% га оширилиши натижасида активлар рентабеллигини 15 фоизга ошириш имконини берган;

саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини баҳолашнинг итератив механизмини ҳар бир муайян сектор бўйича такомиллаштирилган таклифларидан «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналари, хусусан «AMUDARYOTEX» МЧЖ ва «ZARAFSHON TEKSTIL» МЧЖ фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2022 йил 23 февралдаги 03/12-0393-сонли, «AMUDARYOTEX» МЧЖнинг 2021 йил 2 ноябрдаги 372-сонли ва «ZARAFSHON TEKSTIL» МЧЖнинг 2021 йил 12 ноябрдаги 541-сонли маълумотномалари). Ушбу таклифни амалга

ошириш натижасида корхонада иқтисодий самарадорликнинг муайян даражага ошишига олиб келадиган маҳсулотлар сифати ва миқдорини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 3 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, улардан 8 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, шундан 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 168 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилаётган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланиб, уларнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди, муаммони билиш даражаси ва унинг диссертация ўтказилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, объект ва услублар баён қилинган, илмий янгилик ва амалий тадқиқот натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва амалга оширилиши, синовдан ўтказилиши, нашр этилиши, тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

«Рақамли иқтисодиёт шароитида саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлашнинг назарий асослари» деб номланган диссертациясининг биринчи бобида саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлашнинг назарий асослари, саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини баҳолаш усулларининг хусусиятлари, рақамли трансформациялар ва унинг саноат корхоналарининг рақобатбардошлигига таъсири ўрганилди ва умумлаштирилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, XIX асрда Ж. Робинсон, Э. Чемберлин, Ж. Кейнс, А. Курно, Ф. Эджворт, Ф. Найт⁶ ва бошқа йирик олимларнинг изланишлари орқали ишлаб чиқилган «рақобатбардошлик» тушунчасига таркибий ёндашув бозор муносабатлари субъектлари ўртасидаги рақобат эмас, балки бозор тузилишини ўрганиш ва шахснинг қобилиятини баҳолашга қаратилган. Агар бунинг иложи бўлмаса, бозор мукамал рақобат билан

⁶ Робинсон Дж. Экономическая теория несовершенной конкуренции / пер. с англ. М.: Прогресс, 1986. 471 с. Чемберлин Э. Теория монополистической конкуренции: реориентация теории стоимости / пер. с англ. Э. Г. Лейкина, Л. Я. Розовского. М.: Экономика, 1996. 351 с. Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. М.: Прогресс, 1978. 494 с. Cournot A. Recherches sur les principes mathematiques de la theorie des richesses. Paris, 1838. Edgeworth F.Y. Mathematical Physics: An essay on application of mathematics to the moral sciences. 1881. Найт Ф. Риск, неопределенность и прибыль. М.: Дело, 2003. 360 с.

тавсифланади, унда кўплаб рақобатдош корхоналар ишлайди, кириш ёки чиқиш учун тўсиклар йўқ ва нархсиз рақобат воситалари йўқ. Муаллиф томонидан корхонанинг рақобатбардошлиги тушунчасининг кўплаб талқинларини тизимлаштириш таклиф этилмоқда. Муҳокама қилинаётган концепциянинг асосий хусусияти ва таклиф этилаётган таснифнинг асосий мезони (1-жадвал) хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатбардошлиги соҳаси ҳисобланади.

1-жадвал

Корхоналар рақобатбардошлигини ошириш ёндашувларини талқин қилиш ва таснифлаш⁷

Ёндашувлар таснифи	Муаллиф тадқиқотчилар
Иқтисодий самарали фаолиятни амалга ошириш қобилияти	П.Завьялов, М.Манвелян, М.Мескон, И.Спиридонов, Д.Воронов, П.Забелин, М.Костин, В.Криворотов ва б.
Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш қобилияти	Ю.Рубин, Т.Адаева, И.Сергеев, Ф.Блунк, М.Портер, Х.Фахсиев, В.Швец, В.Шоколенко ва б.
Рақобат устунликларини яратиш ва кўллаб-қувватлаш орқали рақобатлашиш қобилияти	М.Гелвановский, И.Ершова, Е.Вайсман, Н.Дробитько, Е.Млоток, Р.Фатхутдинов ва б.
Самарали бизнес моделини амалга ошириш қобилияти	С.Монтгомери, В.Катькало, Д.Коллис, Г.Хаммел ва б.
Бозор позициясини сақлаб қолиш ёки яхшилаш қобилияти	И.Зулькарнаев, П.Хавранек, В.Беренс, Т.Ступина, А.Селезнев ва б.

«Рақобат» ва «рақобатбардошлик» тушунчаларини таҳлил қилиш муаллифга саноат корхоналарини самарали ривожлантириш нуқтаи назаридан ушбу атамаларга ўз ёндашувини шакллантиришга имкон берди. «Рақобатбардошлик» - ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамли тизимларни амалий қўллаш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг истеъмол хусусиятларини ошириш ва бошқарувга таъсир қилиш тартиб-қоидаларини амалга ошириш харажатларини камайтириш орқали саноат корхоналарининг ўз мақсадларига эришишидир.

Ҳозирги вақтда корхоналарнинг рақобатбардошлигини баҳолаш учун бир қатор усуллар мавжуд, шу жумладан назарий таркибга асосланган усуллар, дастлабки баҳолаш натижалари орқали баҳолаш усуллари, кўрсаткичларнинг математик нисбати усули ва бошқалар. Муаллиф томонидан тўқимачилик корхонасининг рақобатбардошлигини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш учун мавжуд классик ёндашувларнинг қиёсий таҳлилини ўтказди ва ишлатилган ҳар бир усулнинг афзалликлари ва камчиликлари аниқланди.

Ушбу тадқиқот корхоналарнинг рақобатбардошлигини баҳолаш усулларини аниқлаш учун қуйидаги таснифларни ўз ичига олади:

матрицали усуллар;

⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

комплекс баҳолаш усуллари;
самарали рақобат назариясига асосланган усуллар.
операцион рақобат назариясига асосланган усуллар.

Маҳсулотнинг рақобатдошлигини баҳолашга асосланган усулларни корхонанинг рақобатдошлигини баҳолашнинг асосий усуллари деб ҳисоблаш мумкин. Компаниянинг рақобатбардош мавқеини баҳолашда бозор улуши, маҳсулот сифати, ўзига хос харажатларнинг нисбий ҳолати, харидор ва бозорлар тўғрисида хабардорлик, асосий ваколатларнинг мавжудлиги, технологик ноу-хаунинг этарли даражаси, бошқарув малакаси ва компаниянинг рентабеллиги каби омиллар ҳисобга олинади.

Муаллиф томонидан олтига мезон бўйича рақобатбардошликни баҳолаш учун 5 балли ўлчовни таклиф қилинмоқда. Рақобатбардошлик коэффиценти компания балларининг раҳбарнинг балларига нисбати сифатида аниқланиши мумкин. Энг юқори балл тўплаган компания раҳбар сифатида белгиланади ва унга «1» коэффиценти берилади.

2-жадвалда компаниянинг рақобатдошлигини баҳолаш кўрсаткичлари келтирилган. Сўнгги бир неча ўн йилликларда ахборот-коммуникация технологиялари ижтимоий-иқтисодий ривожланишда ҳал қилувчи рол ўйнади.

2-жадвал

Компаниянинг рақобатбардошлигини баҳолаш кўрсаткичлари⁸

Баҳолаш мезонлари	Баҳолаш кўлами		
	Паст (1.2 балл)	Ўртача (3.4 балл)	Юқори (5 балл)
Нисбий бозор улуши	Лидернинг 1/3 қисмидан кам	Лидернинг 1/3 қисмидан кўпроғи	Лидер
Маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятлари	Маҳсулот фарқланмайди	Маҳсулот фарқланади	Маҳсулот ноёбдир
Харажатлар	Тўғридан-тўғри рақобатчидан юқори	Тўғридан-тўғри рақиб билан бир хил	Тўғридан-тўғри рақобатчидан паст
Технологияларни ривожлантириш даражаси	Қийинчилик билан ўзлаштирилди	Осон ўзлаштирилди	Тўлиқ ўзлаштирилди
Товар тарқатиш каналлари	Воситачилар назорат қилинмайди	Воситачилар назорат қилинади	Тўғридан-тўғри сотиш
Имидж	Йўқ	Ривожланган	Кучли имидж

Уларнинг ўсиши ва кенг тарқалиши иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларини ўзгартирди. Ўз навбатида, АКТ динамикаси кўп жиҳатдан глобал муаммоларга ва илм-фан ва технологиянинг узоқ муддатли устуворликларини шакллантирадиган кенгроқ тенденцияларга боғлиқ⁹.

⁸ Муаллиф томонидан тузилган

⁹ Matchanova, F. (2021). Information and Communication Technologies as a Key Factor of the Competitive Advantage of Uzbekistan. *Bulletin of Science and Practice*, 7(9), 445-459. (in Russian). <https://doi.org/10.33619/2414-2948/70/41>

Саноат корхоналарининг рақобатбардошлиги сиёсатининг асосий жиҳатларини таҳлил қилиш асосида, АКТдан самарали фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда, муаллиф томонидан саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш омиллари таклиф қилинмоқда (1-расм).



1-расм. Рақамли трансформация шароитида рақобатбардошликни оширишга таъсир қилувчи омиллар¹⁰


Бугунги кунда жаҳон амалиётида рақамли иқтисодиётнинг ЯИМдаги улушининг мақбул кўрсаткичи 7-8% ҳисобланади. Буюк Британияда бу улуш 12,4%, Жанубий Корея - 8%, Хитой - 6,9%, Ҳиндистон - 5,6%, Россия - 2,8%, Қозоғистон - 3,9%, Ўзбекистон - 2,2%.

Ўзбекистон Республикасининг «электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш концепцияси лойиҳасига мувофиқ 2025 йилга келиб АКТ хизматлари улушини ЯИМга 5,0 фоизга, 2030 йилга келиб эса 10 фоизга етказиш режалаштирилган¹¹. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, рақамли иқтисодиёт инновация, рақобатбардошлик ва иқтисодий ўсишнинг муҳим воситасидир.

Рақамли ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг юқори даражасига эришиш учун 2-расмда кўрсатилгандек, бир вақтнинг ўзида бир қатор шартларни бажариш лозим бўлади.

¹⁰ Муаллиф тадқиқотлари.

¹¹ <https://review.uz/post/uzbekistan-otsifrovivyaetsya>.



2-расм. Ишлаб чиқаришни рақамлаштириш омиллари¹²

Бинобарин, жаҳон мамлакатларининг миллий иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида корxonанинг рақобатбардошлигига инновацион иқтисодий тузилмасиз эришиш мумкин эмас, рақамли технологияларни жорий этиш, шунингдек, бошқарув ва ишлаб чиқаришда мақбул ютуқлар рақобатда ҳавфсизлик ёстиғини таъминлайди.

«Иқтисодиёт ривожланишининг янги босқичида саноат корxonаларининг ҳозирги ҳолати ва салоҳиятини баҳолаш таҳлили» номли диссертациянинг иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноатининг рақобатбардошлиги ҳамда инвестиция салоҳиятининг асосий кўрсаткичларининг жорий ҳолати шунингдек, «AMUDARYOTEX» МЧЖ ва «ZARAFSHON TEKSTIL» МЧЖ молиявий кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Ўзбекистон енгил саноати етакчи ва жадал ривожланаётган тармоқлардан биридир. Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2019 йилда енгил саноат мамлакат саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида 30% ни ташкил этган, ялпи ички маҳсулотдаги улуши 4% ни, ноозиқ - овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда эса 44% ни ташкил этган. Сўнгги йилларда саноатнинг йиллик ўсиши тахминан 18%, экспорт эса 10% га ўсди. Статистикага кўра, тўқимачилик маҳсулотларининг ишлаб чиқариш сектори таркибидаги улуши 2020 йил январь ойида 14,2% ни ташкил этиб, жисмоний ҳажм индекси 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 2% га ўсди.

2021 йилнинг январ ойида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 16,4% ни ташкил этиб, ишлаб чиқариш индексининг 12,4% га ўсиши 3354,6 миллиард сўмни ташкил этди.


Ўзбекистон бугунги кунда дунёдаги энг йирик тўқимачилик толалари, пахта иплари ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларидан бири ҳисобланади. Республикада 2019-2021 йилларда 7000 дан ортиқ тўқимачилик корxonалари фаолият кўрсатмоқда, уларнинг йиллик қуввати 3-жадвалда келтирилган.

¹² Муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг йиллик қуввати

Тўқимачилик маҳсулотининг номланиши	Миқдори
Пахта ипи	705 минг тонна
Тўқимачилик мато	1,2 млрд. квадрат метр
Трикотаж мато	141 минг тонна
Якуний маҳсулот	680 млн. дона
Трикотаж	132 миллион жуфт

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, саноатнинг барқарор ривожланиши самарали молиявий инвестицияларсиз, шу жумладан ташқи тўғридан-тўғри инвестициялар ва ички захираларсиз амалга оширилмайди. Муаллиф томонидан енгил саноат корхоналарининг инвестицион салоҳияти таҳлил қилинди (3-расм).

3-расм. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноатининг инвестицион салоҳиятини таҳлил қилиш схемаси ¹⁴

Сўнгги ўн беш йил ичида миллий иқтисодиётнинг тўқимачилик секторига 300 та инвестиция лойиҳаси доирасида 2,5 миллиард доллардан ортиқ, шу жумладан сўнгги уч йилда 575,3 миллион доллар жалб қилинди.

¹³ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

Хитой, Жанубий Корея, Швейцария, Сингапур, Германия, Ҳиндистон ва Туркия каби мамлакатларга жалб қилинган халқаро инвестицияларнинг 80% дан ортиғи тўғри келди. Агар 2016 йилда инвестициялар 190 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2019 йил охирига келиб уларнинг ҳажми 2,5 барабар 473,9 миллион долларга ошди.

Тўқимачилик саноатини экспорт қилиш соҳасидаги асосий ривожланиш тенденциялари ҳақида гапирадиган бўлсак, 4-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларининг экспорт ҳажми сўнгги 5 йил ичида ортиб бормоқда деган хулосага келишимиз мумкин. Экспорт қилинган тўқимачилик маҳсулотлари ҳажми 63% дан 1 146,5 миллион АҚШ долларидан 1 868,5 миллион АҚШ долларига ошди.

4-жадвал

Ўзбекистонда тўқимачилик маҳсулотлари экспорти динамикаси¹⁵

№	Кўрсаткичнинг номи	Ўлчов бирлиги		2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
III	Экспорт	млн.долл.		1.146.5	1.169.0	1.302.3	1.541.3	1.868.4	
1	Пахта иплари	минг. тонн	миқдор	184.9	207.7	282.3	381.1	455.4	433.3
			сумма	414.3	529.1	725.0	880.9	947.3	1.018.3
2	Пахта матолари	млн.кв.м	миқдор	42.8	86.8	184.5	215.5	296.5	349.1
			сумма	28.9	39.5	75.4	73.8	103.9	153.6
3	Трикотаж мато	минг. тонн	миқдор	14.1	10.8	16.2	20.4	33.2	41.5
			сумма	54.1	43.1	63.0	79.3	139.5	158.0
4	Тикув ва трикотаж маҳсулотлари	млн.долл.	миқдор						
			сумма	164.5	354.9	424.8	486.3	648.0	1.428.2
5	Пайпоқ маҳсулотлари	млн.долл.	миқдор	1.0	2.9	47.0	74.6	119.8	166.9
			сумма	0.3	0.9	14.1	21.2	29.8	43.1
6	Хом ипак иплар	тонн	миқдор	515.2	558.2				
			сумма	18.9	19.1				
7	СКВ учун маҳаллий материаллар	млн.долл	миқдор						
			сумма	465.4	182.3				

Енгил саноатни янада ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда сифатли ўзгаришларни таъминлайдиган ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, эски йигирув фабрикалари ўрнига замонавий технологиялар билан жиҳозланган хорижий ва қўшма корхоналар келмоқда. Кўплаб саноат тармоқлари жаҳон даражасидаги рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун модернизация қилинди. Ишлаб чиқариш занжирини кластерли бошқаришга ўтиш ушбу моделнинг самарадорлигини намоиш этди, чунки


¹⁵ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

бу пахта-тўқимачилик бирлашмаларининг ўсишини тезлаштирди. Агар 2017 йилда фақат битта Кластер ишлаган бўлса, 2020 йилга келиб уларнинг сони 95 тага кўпайди.

Шунга қарамай, ҳозирги замон воқеликлари ўз кунунларини белгилайди, шунинг учун тўқимачилик корхоналари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли тизимлар ва инновацион ишланмаларни жорий қилмасдан самарали ишлайдиган, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхонани тасаввур этиб бўлмайди. Яъни, тўқимачилик корхоналари фаолиятига «Big data» (катта маълумотлар базалари), «Интернет вещей», блокчейн, сунъий ақл, рақамлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларидан фойдаланиш каби глобал рақамли технологияларни жорий этиш зарур. Ҳиндистон, Хитой, Исроил ва бошқа қатор мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатдики, иқтисодиётнинг барча соҳаларида АКТнинг жадал ўсиши мамлакатларга рақобатбардошлигини ошириш ва рейтинг нарвонларини юқори даражага кўтаришга ёрдам беради (масалан, Ҳиндистон 50 дан 35 ўринга, Исроил 29 дан 17 га кўтарилди)¹⁶.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, рақобатнинг кучайиши туфайли компаниялар таъминот занжирларини бошқаришни яхшилаш учун ахборот технологияларидан фойдаланадилар (ингл.: Supply Chain Management - SCM) ва улардан рақобат афзаллиги сифатида фойдаланилади. Бошқача айтганда, кўплаб тўқимачилик компаниялари ўз бизнесининг қийматини ошириш учун технологик имкониятлардан фойдаланадилар. Таъминот занжири бошқаруви қидирув, сотиб олиш, қайта ишлаш, барча логистика операцияларини ўз ичига олади ва реал вақтда маълумотлар алмашинуви орқали транзакциялар тезлигини оширишга, мижозлар талабларини янада самарали ва фаол ижро орқали инвентаризацияни камайтиришга ва сотишни кўпайтиришга қаратилган.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, муаллиф тўқимачилик корхонасининг самарали фаолияти ва корхонада АКТдан фойдаланиш даражаси ўртасидаги муносабатни ўрганиб чиқди (4-расм).



4-расм. Тўқимачилик саноати ва АТ ўртасидаги муносабатлар¹⁷

¹⁶ Noshir Kaka, Anu Madgavkar, Alok Kshirsagar, Rajat Gupta, James Manyika, Kushe Bahl, and Shishir Gupta Digital India: Technology to transform a connected nation, 2019.

¹⁷ Муаллиф тадқиқотлари.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, регрессия таҳлили ва прогнозлаш ҳар қандай саноатнинг рақобатбардошлигига таъсир қилувчи омилларни баҳолашда энг яхши ёндашувлардан бири ҳисобланади.

Прогнозлаш регрессияси усули қарам ва мустақил ўзгарувчилар деб номланувчи икки хил ўзгарувчининг ўзаро боғлиқлигини ўрганишни ўз ичига олади. Ўзгарувчилар ўртасидаги муносабатни баҳолаш учун муаллиф 20 та тўқимачилик корхоналарида таҳлилий сўров ўтказди.

Тадқиқотда 4 та корхонанинг статистик маълумотлари бевосита ишлатилган. Булар «AMUDARYOTEX» МЧЖ, «Kuvatekstil» МЧЖ, «Art Soft Тех» МЧЖ, «Nortex» МЧЖ ҳисобланади. Сўнгги 4 йил ичида маълумотлар олинган ва уларнинг асосида регрессион таҳлилимиз учун маълумотлар базаси ишлаб чиқилган.

Мустақил молиявий омиллар сифатида қуйидагилар кўриб чиқилди:

1. молиявий ричаг: бу умумий қарзнинг умумий капиталга нисбати бўлиб, у қарз маблағларининг капитал маблағларига нисбатан неча марта берилганлигини кўрсатади;

2. ишлаб чиқариш активлари: асосий воситаларнинг умумий миқдори активларнинг умумий миқдorigа нисбати кўриб чиқилди, бу эса активларнинг умумий таркибида ишлаб чиқариш активларининг улушини таъминлади;

3. ликвидлик: жорий активларнинг жорий мажбуриятларга нисбати, бу фирма фавқулодда молиявий мажбуриятни неча марта тўлашга қодирлигини кўрсатди;

4. инвестициялар: умумий инвестицияларнинг умумий активларга нисбати, бу ликвидликни таъминлайдиган умумий активлар таркибидаги инвестициялар фоизини кўрсатди ва даромад оқимини оптималлаштирди;

5. фирма ҳажми: умумий активларнинг логарифмаси компаниянинг бизнес ҳажми ҳақида маълумот беради. Юқори харажат фирманинг катта активлар базасига эга эканлигини англатади, бу фирма томонидан амалга оширилган йирик бизнес операсияларининг далилидир.

Мустақил омиллар:

1. бозор улуши: соф умумий савдо логарифмаси бозор маълумотларини акс эттиради. Юқори харажат компаниянинг рақобатчиларига нисбатан кўпроқ бозор улушига эга эканлигини англатади.

2. экспорт: экспорт учун хаёлий ўзгарувчи ишлатилган (dummy variable). Активларнинг рентабеллигида экспорт улушини баҳолаш учун биз ўз маҳсулотларини экспорт қиладиган компанияларга «1» қийматини ва экспорт қилмайдиган компанияларга «0» қийматини берамиз. Шунинг учун, агар ушбу ўзгарувчи статистик аҳамиятга эга бўлса, унда компаниялар ўз маҳсулотларини экспорт қилиш учун фойдалидир, чунки улар активларнинг рентабеллигини оширадилар.

3. АКТдан фойдаланиш: ушбу ўзгарувчи ишлаб чиқаришда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш даражасини кўрсатади Лайкерт шкаласи бўйича 1 дан 7 гача бўлган сўров натижаларига кўра ўлчанади.

Боғлиқ омиллар: соф солиқдан олдинги фойданинг активларнинг умумий миқдорига нисбати ишлатилган, бу эса компаниянинг умумий активлар ва активларнинг даромадлилигини қанчалик самарали ишлатганлиги ҳақида маълумот берди. Ушбу коэффициентнинг қиймати компаниянинг рентабеллигини рақобатбардошлик кўрсаткичи сифатида кўрсатади.

Регрессия модели¹⁸:

$$ROA = \beta_0 + \beta_1 FinLev + \beta_2 ProAsset + \beta_3 Liquidity + \beta_4 Inv + \beta_5 FirmSize + \beta_6 MarShare + \beta_7 Exporting + \beta_8 ITUsage \quad (1)$$

асосида АТ («AMUDARYOTEK» МЧЖ, «Kuvatekstil» МЧЖ, «Art Soft Tex» МЧЖ, «Nortex» МЧЖ) дан фойдаланган ҳолда тўқимачилик саноати корхоналарининг рақобатбардошлигини эконометрик таҳлил қилинди. Ушбу корхоналарнинг рақобатбардошлигини эконометрик таҳлил қилиш натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Тўқимачилик саноати корхоналарининг рақобатбардошлиги омилларининг тавсифий статистикаси¹⁹

Ўзгарувчилар	Obs	Mean	Std. Dev.	Min	Max
Активларнинг рентабеллиги	16	0.385	0.0794145	0.27	0.51
Молиявий ричаг	16	0.601875	0.0943199	0.45	0.8
Ишлаб чиқариш активи	16	0.61	0.0832666	0.44	0.72
Ликвидлик	16	1.119375	0.3537507	0.6	1.74
Инвестиция	16	0.578125	0.120345	0.3	0.78
Компания ҳажми	16	7.463125	0.621908	6.1	8.3
Бозор улуши	16	7.82375	1.518139	5.1	9.4
Экспорт	16	0.4375	0.5123475	0	1
АКТдан фойдаланиш	16	6.25	0.7745967	5	7

Саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини эконометрик таҳлил қилиш учун муаллиф 16 та кузатув ўтказди (юқоридаги компанияларнинг ҳар бирининг 4 йиллик кўрсаткичлари ўрганилди). Активлар рентабеллиги, молиявий унсур, ишлаб чиқариш активи, ликвидлик, инвестициялар, фирма ҳажми, бозор улуши, экспорт, АКТдан фойдаланиш каби умумий ўзгарувчилар кўриб чиқилди. Уларнинг ўртача қиймати иккинчи устунда акс эттирилган, стандарт оғиш 3 устунда, минимал ва максимал қийматлар мос равишда 4 ва 5 да.

¹⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

¹⁹ STATA дастуридан фойдаланган ҳолда муаллифнинг ҳисоб-китоблари.

Регрессия таҳлилининг асосий мақсади ҳар бир мустақил ўзгарувчи ва қарам ўзгарувчининг ўзаро боғлиқлигини ажратишдир. Регрессия коэффицентнинг талқини шундаки, у бошқа барча мустақил ўзгарувчилар доимий бўлиб қолганда мустақил ўзгарувчининг ўзгаришининг ҳар бир бирлиги учун қарам ўзгарувчининг ўртача ўзгаришини англатади. Ушбу охириги қисм мультиколлинеарликни аниқлаш учун жуда муҳимдир. Корреляция -1 дан +1 гача бўлиши керак, агар у -1 га яқин бўлса, бу ўзгарувчилар орасидаги салбий алоқанинг мавжудлигини кўрсатади, агар у +1 га яқин бўлса, бу ўзаро яқин ижобий алоқанинг мавжудлигини кўрсатади. Агар корреляция коэффиценти юқори бўлса, натижа ўзгариши мумкин, шу сабабли корреляция коэффиценти юқори бўлган тақдирда, ўзгарувчилар бирма-бир ишлатилади, яъни регрессион таҳлилимизда турли хил моделлардан фойдаланишимиз мумкин бўлади. Шунинг учун биз 3 хил моделни кўриб чиқамиз. Регрессион таҳлил натижаларига кўра (6-жадвал) қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

6-жадвал

Регрессия натижалари²⁰

VARIABLES	(1)	(2)	3
	Модел 1	Модел 2	Модел 3
Молиявий ричаг	1.031*** (0.268)	0.970*** (0.155)	1.047*** (0.260)
Ишлаб чиқариш активи	0.114 (0.156)	0.112 (0.146)	
Ликвидлик	0.0140 (0.0483)		0.0132 (0.0469)
Инвестициялар	0.228** (0.0905)	0.218** (0.0777)	0.216** (0.0864)
Фирма ҳажми	-0.132** (0.0528)	-0.125** (0.0441)	-0.136** (0.0509)
Бозор улуши	0.0541** (0.0180)	0.0531** (0.0166)	0.0605*** (0.0153)
Экспорт	-0.0360* (0.0178)	-0.0342* (0.0157)	-0.0338* (0.0170)
АКТдан фойдаланиш	0.0262* (0.0112)	0.0241** (0.00796)	0.0271** (0.0108)
Constant	0.0141 (0.162)	0.0386 (0.129)	0.0581 (0.145)
Observations	16	16	16
R-squared	0.921	0.920	0.915
Standard errors in parentheses *** p<0.01, ** p<0.05, * p<0.1			

²⁰ STATA дастуридан фойдаланган ҳолда муаллифнинг ҳисоб-китоблари.

Таҳлил шуни кўрсатдики, молиявий ричаг активларнинг рентабеллиги учун статистик аҳамиятга эга (англ. return on assets, ROA) ушбу ўзгарувчининг t қиймати 2,49 га тенг ва у барча моделларда муҳимдир.

1 та молиявий ричагнинг ўсиши ROАни 1 фоизга оширади. Инвестициялар, шунингдек, барча моделларда статистик жиҳатдан муҳим ижобий қийматга эга.

Инвестициялар миқдорини 1 фоизга ошириш ROАни тахминан 0,22 фоизга оширади. Бироқ, фирма ҳажми ROА билан тескари муносабатларга эга, бу катта фирмаларнинг ROА нисбати пастлиги билан изоҳланиши мумкин.

Яъни, агар компаниянинг бозор улуши катта бўлса, уларда ROА ҳам юқори. Компаниянинг экспорт салоҳияти, шунингдек, активларнинг рентабеллиги билан тескари муносабатларга эга, бу экспортнинг қимматроқ бўлиши ёки компания жаҳон бозорига кириш учун ўз маҳсулотларини арзон нархларда экспорт қилиши билан изоҳланиши мумкин.


АКТ компаниянинг активлари рентабеллиги билан ижобий алоқага эга, яъни агар корхона АКТдан фойдаланишни оптималлаштирса, ROА ҳам ошади.

Моделлар орасидаги фарқ регрессияда ишлатиладиган ўзгарувчилар сонидан, 2 моделида биз «ликвидлик» коэффицентини чиқариб ташладик ва 3 моделида натижаларни ўзгартирмаслик учун «ишлаб чиқариш активи» коэффицентини чиқариб ташладик.

Шундай қилиб, активларнинг рентабеллиги (ROА) компаниянинг рақобатбардошлигини белгилайди ва ўзгарувчилар ўртасидаги муносабатларни ўз вақтида текшириш ва натижаларга қараб зарур чораларни кўриш тўқимачилик компаниясининг рақобатбардошлигини оширади.

